



АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ШАКИЛЛАНИШ МАНБАЛАРИ: ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ

Бойқулов Зариф Ачилович

Жиззах вилоят Гидрометеорология

бошқармаси бошлиқ ўринбосари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7080653>

ARTICLE INFO

Received: 09th September 2022

Accepted: 11th September 2022

Online: 15th September 2022

KEY WORDS

Иш ҳақи, пенсия, стипендия, дивиденд, заём, лотарея, фоиз пули, кўчмас мулкдан келган рента, суғурта.

Барча аҳолига тегишли пул ва натурал тушумлар ҳамда кўрсатилган бепул хизматлар суммаси; аҳолининг миллий даромаддаги ҳиссаси. Аҳолининг жами турдаги даромадлари манбаи — иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар, мукофот, фойда, дивиденд, заём ва лотарея ютуғи, банк тўлаган фоиз пули, кўчмас мулкдан келган рента ўлови ва ижара пули, суғурта қопламалари ва бошқалардан иборат. Бозор шароитида Аҳоли даромадларининг энг катта қисми пул шаклига эга.

Тадқиқотларда аҳоли даромадлари унинг юзага келиши ёки хўжаликнинг турли шароитларида даромадларнинг тақсимланиши нуқтайи назарида кўриб чиқилади. Даромад ўлчамларининг миқдорий ва сифатий ўзгариши ва тақсимланиш тамойилларининг ўзгариши умуман иқтисодиёт даромадлар назарияси соҳаси билан ўзаро боғлиқликда ўрганилиши керак.

ABSTRACT

Ушбу мақолада, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг даромадлари ва уларнинг шаклланиш манбалари ижтимоий ва иқтисодий томондан таҳлил этилади..

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг, бозор муносабатларининг барқарор йўналишларида янада ривожланиши биринчи навбатда меҳнат муаммоларининг муваффақиятли ҳал қилинишига боғлиқ эди.

Меҳнат бўйича ҳозирги давлат сиёсатининг асосини меҳнат ва аҳолининг иш билан таъминлашининг қуйидаги йўналишлари ташкил этади; турли мулкчиликга асосланган бозор иқтисодиётини яратиш орқали меҳнат бозорини шакиллантириш; давлат ва нодавлат тизимлари маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни таркибий жихатдан қайта тузиш дастурларини амалга ошириш ва шунга кўра меҳнат ресурсларини тақсимлаш; ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талабни иқтисодий ва ҳуқуқий воситалар орқали тартибга солиш; ишсизларнинг ва меҳнат бозорида рақобатлаша олмайдиган аҳоли табақаларининг



ижтимоий химоясини таъминлаш учун махсус тадбирлар кўриш; ишчи кучи сифатини, аҳолининг иқтисодий фаоллигини ривожлантириш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб қувватлашдир.

Аҳоли даромадлари ижтимоий-сийосий, ижтимоий-демографик, ижтимоий-касбий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-географик омиллар тасирида ўзгариб туради. Кўриниб тургандек барча омиллар ижтимоий мақсадлар билан боғлиқ.

Умуман олганда, аҳоли даромадларини юзага келтирувчи омиллар уч даражали бўлади;

Биринчи даражага инсоннинг ўзига, унинг ҳаётидаги ўрига, инсон капитали ва меҳнат иқониятларига (билим, малака, тажриба, машғулоттури, лавозим мақоми, меҳнат харажатлари ва натижаларига, касб ва мансабда ўсиш мавжудлигига, сармоянинг унинг исталган кўринишида; (таълим, касб, молиявий) мавжудлигига боғлиқ бўлган омиллар киради;

Иккинчи даражага инсон меҳнат фаолияти билан банд бўлганиш жойи билан; таркибига унинг корхонаси, муассасаси, ташкилоти, фирмаси кирадиган тармоқ билан: корхонанинг мулкчиликшакли билан, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли билан: фирманинг товар, молиявий бозорлардаги ва меҳнат бозоридаги ўрни билан: корхонанинг техник жихозланганлиги билан, унинг жойлашган ўрни билан: жамоадаги ижтимоий-меҳнат муносабатларининг ривожланганлиги билан боғлиқ омиллар киради:

Учинчи даражага умуман мамлакат иқтисодиёти ва минтақавий

иқтисодиёт: иқтисодий имкониятлар, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, ялпи миллий маҳсулот ва миллий даромадқиймати, нарх сиёсати ва солиққа тортиштизими, меҳнат муносабатларини тартибга солишда ижтимоий шерикчилик институтларининг ривожланганлиги билан боғлиқ омиллар киради. Омилларнинг бу гуруҳи ижтимоий трансфертлартизимини шакиллантиради.

Шундай қилиб, кўриб чиқилган омиллар даромадларнинг ходимнинг меҳнатга муносабатига ва унинг хизматларига, меҳнатнинг алоҳида ва жамоавий натижаларига ва умуман иқтисодиётнинг самарадорлигига боғлиқлигини, шунингдек, аҳоли даромадлар шу жумладан меҳнат даромадларидаражасига кўра табақаланишини, қатламларга ажралишини кўрсатади.

Даромадалар ва иш ҳақининг мавжуд тенгсизлиги аҳолисининг фаровонликдаражасидан қатъий назар, барча мамлакатлар учун хосдир. Шу сабабга кўра, даромадларни ўлчаш муаммоси у ёкибошқа мамлакатнинг сиёсий тузими ва ижтимоий-иқтисодий аҳволига боғлиқ бўлмаган, умумий муаммодир.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар даражасидаги ёки иш ҳақининг битта банд одамга даромадлар даражасидаги тафовутлар даромадларнинг табақалиниши ёки иш ҳақининг табақаланиши деб аталади.

Даромадларнинг абақаланиши – жамият аъзоларининг ишлаб чиқариш, тақсимот ва истемол соҳасидаги ўрнидаги ижтимоий-иқтисодий афовутлар билан боғлиқ бўлган



объектив ҳодисадир. Сиёсатчилар адолат тамойилига ва фуқаролар тенглигига амал қилинишига ташвиш солувчи демократик давлатда бировларнинг ҳаддан ортиқ бойлиги ва бошқаларнинг қошшоқлиги йўл қўйиб бўлмайдиган ҳодиса деб эътироф этилади.

Ҳозирги шароитда аҳоли томонидан олинадиган даромадларда жиддий ўзгаришлар содир бўлди – уларнинг турл-туманлиги ошди, таркиби мураккаблашди, табақаланишга йўналиш очиқ-ойдин намоён бўлди. Аҳолининг реал даромадлари тизимли равишда камаймоқда ва бу ишлаб чиқаришнинг қудратли чеклагичи бўлиб ҳисобланади.

Истемол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар нафақат импорт товарлар рақобати билан, балки аҳоли кенг қатламларининг харид қобилиятига эга талабининг йўқлиги билан ҳам тўқнаш келди. Аҳолининг катта пул маблағларига эга юқори даромадли гуруҳлари ўз даромадларини жамғарма кўчмас мулк ва чет эл валютасига йўналтирилишига интилмоқда.

Ўтган йилларда, қайд қилинишича, ходимларнинг турли гуруҳлари меҳнатига ҳақ тўлашда, улрнинг меҳнатга қўшган хиссаси, малакаси ва меҳнат шароитларини етарлича ҳисобга олмасдан, тенглаштирувчилик йўналиши кузатилган.

References:

1. Холмирзаев Н.Н. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифати.
2. №-12, 107-109. <https://www.ziyouz.com>
3. Н.Тўхлиев. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёти. №-19.
4. Т.Исоқова ва Х.Хўжақулов. Демография статистикаси. №-215.
5. Т.Эргашев. Бозор Иқтисодиёти. №-105.
6. Иқтисодиёт ва Тадбиркорлик. №-87